



2-ТОМ, 10-СОН

**ҚОРИН БҮШЛИГИ АЪЗОЛАРИДА ХАВФЛИ ЖОЙЛАШГАН ВА
АСОРАТЛАНГАН ЭХИНОККОЗ КИСТАЛАРНИ ДАВОЛАШДАГИ
МУАММОЛАРИ**

Худайкулов.Б.К., Аминкулов.Ш.У., Эшонкулов.К.Ш.

**Термиз иқтисодиёт ва сервис университети ва РШТЁИМ Сурхондарё
филиали**

Мақсад: Қорин бўлигига мураккаб жойлашган эхинококкоз операцияларда қолган бўшлиқни дренажлашнинг роли жуда мухим бўлиб операциядан кейинги беморларнинг соғайишида мухим ўрин тутади ёки қайта операция бўлишига олиб келади.

Материал ва усули: Қорин бўшилигига мураккаб жойлашган эхинококкозларнинг хирургик даволанишига асосланган операция усули бўлиб, беморлар ёши 20-55 ёшгача бўлган беморлар, эркаклар-218, аёллар-193 ташкил этди.

Эхинококкознинг диафрагма остида жойлашуви, жигарда, толоқда ва қорин бўшилигига-364 беморда учради, жигар ўт йўлларига ёрилиши билан-16 бемор, механик сариқлик ва холангит-9. Эхинокок кистасининг қорин бўшилигига ёрилиши билан, анафлактик шок берган беморлар-3, аллергик ҳолатлар билан-2 беморни ташкил қилди.

Эхинокок кистасининг бир халтали ҳолати билан-189, кўп халтали-2-3-дан 10-11-тагача кўп камерали ҳолатлари билан-222 беморларда опреция ўтказилди.

Эхинокок кистаси энг мураккаб жойлашган соҳаларидан қорин бўлиғи аорта устки соҳаси-26, жигар диафрагма ости-7-8 сегментлардан диафрамага туташган ҳолати-187, диафрагма, жигар орқа юзаси ва ўпка пастки соҳаси билан қамралган гигант эхинокок кистаси-32, жигар ўт ўули ва умумий ўт йўлга оқма ҳосил қилиш билан-25, қолган ҳолатлари қорин бўшилигига--, ичак тутамларига ёпишган кичик тоз ва сийдик қопи уст қисмида жойлашган, жигар ости соҳасида чап ва ўнг бўлакларида ташқи жойлашувлари билан жами-141 беморларни ташкил этди.

Натижалар: Барча беморлар тўлиқ зарурӣ текширувлардан ўтказилган ҳолда операцияга тайёрланиб операция ўтказилди шулардан эхинококкоз кистаси қайталаниши- 12 бемор кузатилди, эхинококкоз бўшилини йиринглаш эвазига ва тикиш иложсиз вазиятарда дренажлаш-19, сафро оқмасини бартараф қилиш ва бўлиқни дренажлаш -23. қолган ҳолатларда идеал эхинококэктомияси-205, қисман эхинококкоз халтасини резекцияси ва бўшилиқни тўлиқ бартараф қилиб қорин



2-ТОМ, 10-СОН

бўшлигини дренажлаш-90.қолган ҳолатларда капитанаж усулларидан қисман қўллаш билан бирга тўлиқ бартараф этилмаган бўшлиқка дренаж найча ўрнатилди. Турли шифахоналарда ўтказилган эхинокок операцияларининг асоратларидан перитонит берганлар(бўшлиқдан суюқлик қорин бўшлиғига тушиши билан, сафроли оқма ҳолатларидан дренажнинг чиқиб кетиши, тўлиқ ишламасдан қорин бўшлиги ифлосланиши)каби ҳолатлар билан-74 bemorlar қайta релапоратомия ўтказилиб дренажлаш ёки бўлиқни бартараф қилиш,ҳамда сафроли оқмани бартараф қилиш ва қайта дренажлаш операциялари ўтказилди.шулардан дренаж найча 1-ойдан 3—4 ойгача бўшлиқда турган bemorларни ташкил қилди.

Хуноса: Шундай қилиб Эхинококкоз кисталарининг мураккаб жойлашувида ўтказиладиган операциялар ва дренаж қўйишни тўғри танлаш,ҳамда бўлиқни бартараф қилишда билим тажриба ва маҳорат талаб талаб қилинади,бундай ҳолатларни англамаслик эса беорни кўп қайта операция бўлишига хамда ногиронлик келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

